

**Махсулот етказиб бериш бўйича «202» -сонли  
Шартнома**

2022 йил «15» августъ

Наманган шаҳар

Бизларким, куйида имзо чекувчилар бир томондан «Намангандонмахсулотлари» акциядорлик жамияти номидан устав асосида иш олиб боровчи жамият Бошқаруви раиси Махмудов Акмал Фарходович келгусида «Сотиб олувчи» деб юритилади, иккинчи томондан "PURE TRADE 21" масъуляти чекланган жамияти раҳбари Исламов Салоҳиддин Мусаевич кейинги уринларда «Махсулот етказиб берувчи» деб юритилади ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздик:

**1. Шартноманинг мазмуни**

1. «Махсулот етказиб берувчи» 12.08.2022 йил кунги № 131643-сонли электрон лотда биржада ғолиб чиқиб, куйидаги товарларни «Сотиб олувчи» га етказиб бериш, «Сотиб олувчи» эса етказиб берилган махсулотлар ҳақини тўлаш мажбурияти олади.

т/р	Махсулот номи	ул.бир	Микдори	Сумма жами ҚҚС билан
1	Зарядное устройство для весов	шт	1	47 200
2	Принтер лазерный размеры - 364 x 249 x 198 мм	шт	1	2 714 000
3	SSD 240 Gb жесткий диск	шт	1	472 000
4	Принтер лазерный, многофункциональный 3 в 1.	шт	1	3 363 000
5	Компьютер комплект (H510 CPU Core i3 10100 Coller original Ddr 8gb Kingston Ssd 256 original Case Blok pitaniya 450 Mishka klaviatura Monitor 22	комп	1	5 664 000
6	Клавиатура и мышь	шт	1	182 900
7	Коврик для мышки	шт	3	53 100
	<b>Жами</b>			12 496 200

- 1.1 Шартноманинг умумий қиймати (Ўн икки миллион тўрт юз тўқсон олти минг икки юз етти) сўм.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари**

2. «Махсулот етказиб берувчи» ўз зиммасига шартноманинг 1-бандида кўрсатилган товар (ёки махсулотлар)ни ўн иш кунида етказиб бериш мажбуриятини олади:

- махсулотларни етказиб бериш хизматини ўз ҳисобидан ўзининг транспортида амалга оширади.
- махсулотларни шартноманинг 1-бандида кўрсатилган рўйхат бўйича ва ўз вақтида сифатли барча стандартларга мувофиқлигини, яроқли эканлигини қафолатлаган ҳолда топширади.
- махсулотни сифатсизлиги ёки ишлатишга яроқсизлиги аниқланганда ва етказиб берилган ҳолларда махсулот бажарувчига қайтарилади, ёки «Махсулот етказиб берувчи» томонидан қелтирилаган товар (ёки махсулотлар)ни тўлиқ зарарини қоалайли.

2.1 «Сотиб олувчи» ўз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- «Махсулот етказиб берувчи»нинг етказиб берилган товар (ёки махсулотлар)га шартноманинг 1-бандига асосан пул утказиш йули билан ҳақ тулайди.

2.2 Етказиб берилган товар (ёки махсулотлар)ни «Махсулот етказиб берувчи»нинг вакили иштирокида текшириб қабул қилиб олади.

2.3 Ушбу шартномада кузда тугилмаган бошка барча ҳолларда ёки шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин булган низо-келишмовчиликларни ҳал этишда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги иқтисодий-процессуал ва фуқаролик қонунчилигидан фойдаланадилар.

**3. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал қилиш тартиби**

3.1 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган ёки тулик етказиб берилмаган ҳолларда «Махсулот етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун шартнома қийматининг 0,4 фоизи микдорига жарима (пеня) тулайди, бироқ бунда жариманинг жами микори шартнома

кийматининг 50 (эллик) фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Туланган жарима шартнома мажбуриятларини бузган томонни товарларни етказиб бериш муддатини кечиктириш ёки тулик етказиб бермаслик акибатида етган зарарни коплашдан озод этмайди.

3.2. Етказиб берилган товарларнинг ассортименти ва сифати мавжуд стандартлар, техник шартлар ва намуналарга (эталонларга) ҳамда қонун ҳужжатларида ёки ушбу шартномада белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Сотиб олувчи» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг хақини тулашни рад этиб, «Махсулот етказиб берувчи»дан ассортименти ва сифати курсатилган даражада булмаган товарлар кийматининг 20 (йигирма) фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарларнинг хақи тўлаб қуйилган бўлса, белгиланган тартибда туланган кийматни қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Ассортименти ва сифати курсатилган даражада булмаган товарларни етказиб берганлик учун «Махсулот етказиб берувчи»дан акцептсиз тартибда жарима ундириб олинади.

3.3. «Сотиб олувчи» етказиб берилган товарлар хақини ўз вақтида туламаганлиги учун «Махсулот етказиб берувчи»га утказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов кийматининг 0,4 фоизи микдорида, аммо шартнома кийматининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ булмаган микдорида жарима тулайди.

3.4. Томонларнинг жавобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонуни ҳамда, Фуқаролик кодексининг 437-456-моддалари, 670-1-сонли Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонунчилиги юзасидан жавобгарликка тортиладилар.

3.5 Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар уртасида келиб чиқадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш йули билан, белгиланган тартибда ҳал этилади.

3.6 Билдирилган талабномага қонунда белгиланган 15 (ун беш) кун муддат ичида жавоб олинмаган ёки талаблар қаноатлантирилмаган тақдирда, узини ҳуқуқи поймол қилинган деб ҳисобловчи томон низоли қилиш учун даъво аризаси билан судга мурожат қилишга ҳақли.

#### 4. ФОРС-МАЖОР

4.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

4.2 Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатнинг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

#### 5. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Шартнома тарафларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ва бекор қилишга оид ишлар ёзма шаклда тузилади.

5.2. Шартнома тарафлар имзолаган кундан эътиборан кучга қиради ва улар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарунига қадар амал қилади.

5.3. Шартнома икки нусхада тузилади ҳамда тарафларнинг ҳар бирида сақланади.

5.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.5 Шартнома муддати тузилган кундан бошлаб шартномадаги мажбуриятларни томонлар тўлиқ бажармагунча ёки 2022 йилни 31 декабрь қунигача амал қилади.

5.6 Шартнома бир хил кучга эга булган икки нусхада тузилди ва томонларда бир нусхадан сақланади.

#### Томонлар юридик манзилгоҳлари:

«Сотиб олувчи»

«Махсулот етказиб берувчи»

“Намангандонмахсулотлари” АЖ  
Наманган ш, Темирийул кучаси, 5 уй  
Х/Р: 202010000300208345001

АТБ «Агробанк» Давлатобод булими  
МФО: 00259, ИНН: 200048234

Рахбар А.Махмудов

“PURE TRADE 21” MCHJ  
Наманган ш. А.Навоий 69-уй  
Х/Р 2020 8000 0053 7540 8001  
Асакабанк Наманган шаҳар филиали  
МФО: 00231 ИНН: 308392852

Тел:

Рахбар

С.Исламов